С.У. Ҳусенов,
катта илмий ходим изланувчи, СамИСИ

“ИНСОН КАПИТАЛИ” ВА У БИЛАН БОҒЛИҚ ТУШУНЧАЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

В данной статье изучены понятия происхождения связанный с «человеческим капиталом», действительностьь и содержание. В данном исследовании проведен анализ теоретических концепций с помощью сравнительным анализом, интегрированием, анализом и синтезом. Кроме того выражен автором точка зрение критерии использования понятия связанные с человеческим капиталом, в зависимости от точки зрения государства, общество и субъекты хозяйствования, и пришли к выводу наличие прямой связи среди понятий связанных с человеческим капиталом.

This article analyzed concepts related to "human capital", its origin, actuality and content. This research analyzed the use of comparative analysis, integration, analysis and synthesis. In addition the author gave suggestion over concept of using criteria related to human capital, depending on the state, society and business entities, and gave conclusion concerning direct link among concepts related to human capital.

Калит сўзлар: *ишчи кучи, меҳнат ресурси, меҳнат потенциали, инсон ресурслари, инсон омили, инсон капитали.*

Ҳар қандай иқтисодий тизим ўзига хос иқтисодий қонунлар ва шунга мос иқтисодий категорияларга эга бўлади. Бу иқтисодий қонунлар ва категориялар маълум бир макон ва замонда амал қилади. Инсоният пайдо бўлибдики, то ҳозирги кунга қадар инсонни иқтисодий жараёнларга таъсирини турли даражаларда баҳоланиб шунга хос иқтисодий тушунча ва категориялар ишлаб чиқилган. XVIII-асрда инсонни ишлаб чиқаришнинг шахсий омили сифатида қараб уни ишчи кучи, меҳнат ресурслари деб эътироф этганлар ва шу асосда иқтисодиётда ишчи кучи, меҳнат ресурслари категорияси пайдо бўлган. Бугунги кунга келиб инсонни иқтисодий жараёнларга таъсир этиш кўлами кенгайиб борди. Фан техниканинг жадал ривожланиши билимлар, кўникмалар, маҳорат инсон қобилиятларини биринчи ўринга кўтарди. Бевосита инсон иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Инсон энди ишлаб чиқаришнинг қўшимча ресурси эмас, балки ўз қобилияти билан ишлаб чиқаришни ташкил этувчи, янги инновацияларни яратувчи ноёб ресурсга айланди. Инсон ходим сифатида ўз меҳнатининг натижасини тақсимлашда, мулкда, фойдада иштирок этиш тизими орқали корхоналарни бошқаришда иштирок эта бошлади. Бу эса иқтисодиётда инсон капитали тушунчасини пайдо бўлишига замин яратди.

Замонавий шароитда инсон капитали тушунчани моҳиятини тушуниш учун у билан боғлиқ ишчи кучи, меҳнат ресурси, меҳнат потенциали, инсон

ресурслари, инсон омили, тушунчаларни мазмунини назарий таҳлил қилиш ушбу мақолани асосий мақсади этиб белгиланди.

Ҳозирги кунга қадар ушбу тушунчаларнинг мазмуни, моҳияти борасида баҳслар, тортишувлар давом этмоқда. Бироқ, бу бир-бири билан боғлиқ тушунчалар иқтисодиёт фаннинг таянч категориялари бўлсада, бу эса булар ўртасидаги мавжуд фарқли томонларни аниқлашни тақозо қилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Юқорида келтирилган иқтисодий тушунчалар ҳозир ҳам ўзининг муҳим аҳамиятини йўқотган эмас, балки замонавий иқтисодиётда уларнинг номланиши ҳам янгича талқинни талаб қилмоқда.

Ҳозирги пайтда инсон капитали ва у билан боғлиқ тушунчаларнинг назарий масалалари қўйидаги хорижий олимлар В.В.Адамчук, Г.Борягин, В.А.Галкина, Б.М.Генкин, М.М.Хайкин, А.Я.Кибанова, Рофе А.И, Тиц С. Н, Беккер Г.С, Капелюшников Р.И, Грузков И.В., Грузков В.Н, Корицкий А. В ва мамлакатимиз олимларидан Абдурахмонов Қ.Х, Ўлмасов А, Ваҳобов А, Саидов М, Бакиева И.А, М.Қ.Пардаев, Абдукаримов Б.А, К.Саидов, М.Мухаммедов, Д.Асланова, Р.Сейтмурадов, С.Исхаковаларнинг адабиётлари ёритилган.

Масаланинг назарий, ҳуқуқий ва амалий жиҳатидан келиб чиқиб, юқорида келтирилган иқтисодий тушунчаларни қисқача таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Биринчи галда ишчи кучи тушунчаси тўғрисида. Ишчи кучи атамасига эътибор бериб қарайдиган бўлсак ишчи кучи ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланган. У орқали инсон табиат неъматларини тайёр истеъмол қиладиган ҳолига келтиради. Товар-пул муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши билан ишчи кучи ҳам товарга айланди. Бу кишилик жамияти тараққиётининг капиталистик тизим босқичида келиб яққол намоён бўлди, чунки бу даврда келиб кишилар, биринчидан, шахс сифатида ўз эркинликларини таъминлаб, ўз иш кучларига эгалик қиладиган бўлди. Бироқ жуда кўп иқтисодий адабиётларда ишчи кучи ва меҳнат тушунчаларини синоним тушунчалар деб айтиб ўтишади. Бизга маълумки, меҳнат бу кишиларнинг онгли, маълум бир мақсадга қаратилган жараёнидир. Ишчи кучи эса шу меҳнат жараёнида ўзининг ақлий ва жисмоний қобилиятлари билан қатнашадиган инсондир.

Фикримизча бу икки иқтисодий тушунча умуман маъно жиҳатидан бошқа-бошқа мазмунга эга. Меҳнат жараёни ўз ичига меҳнат предмети, меҳнат воситалари ва ишчи кучини бўлишини тақозо қилади. Меҳнатнинг энг муҳим омили ишчи кучи лекин меҳнатнинг ўзи ишчи кучи бўла олмайди. Ишчи кучи тушунчаси ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб аниқ ёш ёки бошқа бир мезонлар билан аниқ белгилаб берилмаган. Демак, ишчи кучи тор маънода олиб қарайдиган бўлсак бирор-бир корхона ходимлари, уларнинг сони тушунилса кенг маънода меҳнат қилиш қобилияти ва ҳуқуқига эга бўлган ва ўз қобилияти билан бирор-бир истеъмол қиймати ишлаб чиқарган мамлакатнинг жами аҳолиси тушунишимиз мумкин.

Учинчи муҳим тушунча бу меҳнат ресурсидир. Бу тушунчани пайдо бўлишини айрим адабиётларда шўролар давридаги иқтисодиётни марказлашган усулда бошқаришдаги сиёсий жараёнлар билан боғлайди. Бошқа бир рус

иқтисодчилар ушбу тушунчани фанга кириб келишини академик олим С.Г. Струмилин билан боғлиқлигини таъкидлашади[1].

Ушбу тушунча борасида рус олими М.М.Хайкин, маълум ҳудудда яшовчи ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланувчи зарур бўлган билим, ақлий қобилият, жисмоний ривожланишга эга аҳоли қисми мамлакатнинг меҳнат ресурсини ташкил этади”-деб айтган [2].

Бу борада таниқли иқтисодчи олим Пардаев М.Қ, меҳнат ресурслари – меҳнатга қобилиятли ёшдаги аҳоли (аёллар 16-55 ёшда, эркаклар 16-60 ёшда) сонида ўз ифодасини топади. Бу ёшдаги ногиронлик ва бошқа сабаблар билан ишламайдиганлар меҳнат ресурсига кирмайди. Демак, меҳнат ресурси деганда аҳолининг маълум чегараланган ёшдаги ишлай оладиган фаол қисми тушунилади деган [3].

Бундан ташқари ушбу атамага А.Ўлмасов, А.Ваҳобовлар ҳам шунга ўхшаш фикрларни келтирган, яъни “..ишлаш қобилияти ҳаммага ҳам бўлавермайди, шу сабабли аҳоли таркибидан меҳнат ресурслари ажратиб олинадики, бу меҳнатга лаёқатли кишилардан иборат бўлади. Меҳнат ресурслари меҳнат ёшига кирган, лекин ҳали пенсия ёшига етмаган ишчилардир[4].

Мамлакатимизда мустақиллик йиллари бу тушунча таркибида ўзгаришлар бўлди. Республикамиз халқаро меҳнат ташкилоти тавсия этган аҳолини таснифлаш тизимига ўтган бўлиб, унга кўра мамлакат меҳнат ресурслари икки қисмга яъни, иқтисодий фаол ва иқтисодий нофаол қисмларга ажратилди. Унга кўра иқтисодий фаол аҳоли жами иш билан бандлар ва иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтож шахсларни қамраб олади. Иқтисодий нофаол аҳоли ўқийдиганлар, меҳнат билан банд бўлмаганлар ва учинчи гуруҳ ногиронлари киритилган.

Мазкур иқтисодий атамалар бўйича иқтисодчи олим Қ.Абдураҳмонов ўзининг “Меҳнат иқтисодиёти” дарслигида жуда муккамал таърифни берган. Яъни, меҳнат ресурслари - мамлакат аҳолисининг ўз руҳий физиологик ва ақлий сифатлари билан моддий неъматлар ишлаб чиқаришга ёки хизматлар кўрсатишга қодир бўлган меҳнатга лаёқатли қисмидир. Улар таркибига фақат иқтисодий фаол аҳолини эмас, шу билан бирга ҳозирги пайтда ишламаётган ва иш қидирмаётган меҳнатга қобилиятли шахслар, шу жумладан ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётганлар ҳам киритилади”[5]. Келтирилган таърифлар шуни англатаяптики меҳнат ресурслари тушунчасини макро даража олиб қарасак ишчи кучи тушунчасига нисбатан анча кенгроқ бўлиб, ундан фарқли тарзда маълум бир мезон яъни инсонни ёши билан чегараланган.

Тўртинчидан, меҳнат потенциали тўғрисида ҳам айрим фикрларга ойдинлик киритиш лозим. Қ.Х.Абдураҳмонов ўзининг “Меҳнат иқтисодиёти” дарслигида Россиялик иқтисодчилар В.Г.Костаков, Г.Г.Сергеева, Л.С.Чижоваларнинг берган таърифини келтирган, яъни меҳнат потенциали – бу жамият эгалик қилган меҳнат ресурсларидир, дейдилар. Уларнинг фикрича, меҳнатга лаёқатли аҳолининг сони ва унинг сифат томонлари (жинси, ёши,

маълумоти, касбий тайёргарлиги, малакаси ва бошқалар) биргаликда, кўриш меҳнат потенциалини реал мазмунини ифодалайди[5].

Меҳнат муносабатлари билан боғлиқ тадқиқот олиб борган иқтисодчи олимларнинг аксарияти меҳнат потенциалини меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли аҳоли, жами ишчи кучи тушунчалари билан ифодалашган. Фикримизча меҳнат потенциали нафақат меҳнат ресурслари, меҳнатга лаёқатли аҳоли, жами ишчи кўчи, ишлаётган аҳоли балки, ушбу тушунчалар таркибига кирмайдиган боғча, мактаб, лецейларда таълим тарбия олаётган баркамол авлодни ҳам мамлакатнинг меҳнат потенциали дейишимиз мумкин. Демак, меҳнат потенциали ҳали фойдаланилмаган меҳнат имконияти ҳам бўлиши мумкин экан. Меҳнат потенциали тушунчаси жуда кенг маъноли бўлиб, бу тушунчани якка инсонга, гуруҳга, корхонага мамлакатга нисбатан ҳам ишлатишимиз мумкин.

Бешинчидан, инсон ресурси тушунчаси ҳам иқтисодий адабиётларда кўплаб учраганлигини инобатга олиб унинг ҳам мазмунига қисқача тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб топдик. Бу тушунчани пайдо бўлиши борасида ҳам ҳар-хил қарашлар мавжуд. Масалан, ушбу тушунчани хорижлик иқтисодчилар Макконел К.Р., Брю С.Л., Синк Д.С., Хейне П., Фишер С., Дорнбуш Р., Р Шмалензилар ўзларининг тадқиқотларида инсон ресурслари тушунчасини иқтисодий категория сифатида ишлатишган. Улар таъкидлашича ишлаб чиқариш жараёнида бошқа иқтисодий ресурслар каби инсон ресурслари ҳам муҳим аҳамиятга эга [6].

Маҳаллий олимларимиздан Н.Р. Нарзиқулов, О.Ҳ. Муҳаммедова, И.А. Бақоевалар XX асрнинг охириларида йирик корхоналар кадрларга эхтиёж сеза бошлагани ва кадрлар тайёрлашни режалаштириш ва улардан самарали фойдаланиш йўлларини излаб топиш ҳаракати кучайгани билан боғлиқ холатлар юзага келганлиги бу тушунчани пайдо бўлишига сабаб бўлди деган фикрларни айтишган [7]. Бу борада олим Қ.Х.Абдураҳмонов ушбу тушунчага қуйидагича таъриф берган. Инсон ресурслари - мамлакат аҳолисининг фойдали фаолият юритиш учун зурур бўлган жисмоний ривожланиш, ақлий қобилиятлар ва билимга эга бўлган қисми тушунилади[5]. Бундан ташқари И.А.Бакиева бу тушунчага анча кенгроқ таъриф берган. Инсон ресурслари – бу одамлар, уларнинг меҳнат ахлоқи ва қуйилган мақсадга эришиш учун интилиши, уларнинг билимлари ва қадрятлар тизими, ижодий ва новаторлик қобилиятларидир.- деган таърифни берган[8].

Агар эътибор берсангиз ушбу тушунчага ўхшаш тушунча яъни меҳнат ресурслари тушунчасини юқорида маъно мазмунини таҳлил қилгандик. Иқтисодчи олимлар меҳнат ресурслари ҳам яъни меҳнат жараёнида қатнашадиган энг муҳим ресурс деб таъкидлаган эдилар. Бу иккита иқтисодий атамани меҳнат ва инсон тушунчалари ажратади холос, умумий маънода олиб қарасангиз иккаласи ҳам инсонни ишлаб чиқаришдаги энг муҳим ресурс сифатида ифодалайди. Демак ушбу тушунчалар ўзаро бир-бирига яқин маънони англатган синоним тушунчалар десак хато бўлмайди. Яна бир муҳим жиҳат. Ривожланган мамлакатларда меҳнат ресурслари деган тушунча эмас балки инсон ресурслари тушунчаси кўпроқ ишлатилади. Меҳнат ресурслари

тушунчаси олдинги собиқ иттифоқ таркибидаги мамлакатларда сақланиб қолган.

Еттинчидан, ҳар қандай демократик давлатнинг ривожланишидан асосий мақсади – инсон ва унинг камологига қаратилган. Инсонларга давлат ва жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг қуроли сифатида эмас, балки бош мақсади деб қараш лозим. Ана шундай қарашларнинг вужудга келиши ва ривожланиши ижтимоий, иқтисодий фанларда инсон омили деган атамани пайдо бўлишига олиб келди. Фалсафий нуқтаи назардан бу тушунчани мазмуни шундан иборатки инсон борлиқдаги барча нарсага таъсир этиши ва унинг ҳаракатга келтирувчи энг муҳим куч сифатида қарайди. Бу ерда инсон энди ресурс эмас балки, энг муҳим мавжудод сифатида қадрланади.

Бу тушунча борасида Қ.Х. Абдураҳмонов инсон омилини иқтисодий-сиёсий атама, меҳнат психологияси, эргономика ва социология тизимларининг замонавий умумий назариясини манфаатлари предметидир деб айтган. Инсон омили бу фақат жамоа ходими эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг жамоа субъектидир, у ижтимоий, демографик, иқтисодий ва сиёсий тузилмага эга бўлиб, унинг элементларининг ўзаро харакати жамият ривожланишини таъминлайди [5].

Н.Р. Нарзиқулов, О.Ҳ. Муҳаммедова, И.А. Бақоевалар инсон омили – корхона, ташкилот, уюшмаларда ҳамкорликда фаолият кўрсатаётган инсонлардир, таркибий тузилиши биринчи навбатда шахс, ишчи ва меҳнат жамоаси, деб таъкидлаганлар[7].

И.А.Бакиева эса инсон омили – иқтисодий тушунча сифатида инсон омили инсоннинг барча хусусиятлари ва инсон фаолияти барча турларининг иқтисодий жиҳатини ўз ичига олади. Ушбу жиҳат такрор ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний самарадорлигини акс эттиради[8].

Инсон омили тушунчаси юқорида келтирилган тушунчаларга нисбатан анча кенгроқ тушунчадир. Бу тушунчанинг энг муҳим хусусияти шундан иборатки у, нафақат ишлаб чиқариш муносабатларини ҳаракатга келтирувчи омил балки ўзининг таъсир этувчи омил кўринишидаги хусусиятлар яъни, эҳтиёжи, хулқ-атвори, ташаббускорли, тадбиркорлиги, қизиқишлари, узоқни кўра билиш хусусиятлари, ҳар қандай вазиятдан чиқишда тўғри қарор қабул қилиш хусусияти, фикри, ғояси, ўзига хос ноодатий фикрлаш қобилияти, ихтирочилик қобилиятлари билан ижтимоий ҳаётимиздаги барча муносабатлар (табиат, жамият, давлат, корхона)га таъсир этади ва биз бу омилни “инсон омили” деб атаймиз.

Саккизинчидан, ҳозирги ахборотлашган замонавий шароитда иқтисодий адабиётларда инсон капитали тушунча жуда кўп қўлланилмоқда. Иқтисодиётни ҳозирги ривожланиш босқичи, бошқа иқтисодий тизимлардан фарқли равишда, айнан номоддий ҳолдаги активлар яъни дастурий таъминотлар, ахборот ресурслари, интеллектуал билимлар, электрон ресурсларни яратиш ишлаб чиқаришнинг билимларга асосланган янгича усулига айланиб бормоқда, ахборот, билимлар эса иқтисодий категория сифатида шаклланмоқда. Бунда иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи куч бўлиб илмий кашфиёт ва ишланмалар

хизмат қилади. Бундай янги иқтисодий тизимнинг юксалиши марказида инсон капитали туради.

Инсон капитали тушунчаси кўп қиррали тушунча бўлиб, унга биринчилардан таъриф берган ва тадқиқотлар олиб борган америкалик олимлар Теодор Шульц ва Гэри Беккердир. Бу олимларнинг инсон капитали борасидаги янгилиги 20 асрнинг иккинчи ярмида дунё иқтисодий тафаккурида кашф қилинган энг муҳим янгиликлардан бири бўлди. Бу оламшумул янгиликлари учун иккала олим ҳам Нобель мукофоти билан тақдирланишган.

Т. Шульц таъкидлашича, камбағал инсон фаровонлигини ошиши ерга, техника воситаларига эмас, балки унинг билимларига боғлиқ. Ундан ташқари ушбу атама бўйича қуйидаги фикрларни айтган, инсон қобилиятларини барчаси туғма ёки ортирилган бўлади. Ҳар бир одам ўзининг туғма қобилиятларига хос индивидуал ген мажмуи билан туғилади. Инсон томонидан маблағлар билан орттирилган ёки кучайтирилган қобилиятларни биз “инсон капитали” деб атаймиз” деган[9].

Унинг издоши Г.Беккер инсон хулқ-атворининг ўзига хос “иқтисодий ёндашуви”ни ажратиб ўзининг универсал методологик ёндашувини яратишга эришди. Унинг таъкидлашича, инсон капитали – бу, ҳар бир кишида мавжуд билим хазинаси, малака кўлами ва мотивациялар заҳирасидир. Инсон капиталининг жисмоний капиталдан фарқи шундаки, у алоҳида капитал тури бўлиб, унда ўхшаш ҳаракат қилади. Лекин унда бир қатор фундаментал тафовутлар ҳам борки, улар орасида бу капиталнинг ўз эгасидан ажралмаслиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Инсон капиталининг жамғарилиши жисмоний капитал сингари катта харажатларни талаб этади ва бу мураккаб инвестицион жараён билан боғликдир”[10].

Яна бир қатор инглиз иқтисодчилари Л. Волракс, Ж. Маккулох, И.Ф. Туюнен, Т. Уинштейн, Фар ва И. Фишерлар **“Инсон капитали”**- деганда унинг сифати маълумоти, қобилияти ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларни эмас, балки инсоннинг ўзи инсон капиталидан иборатдир деб ҳисоблаганлар [2].

Булардан фарқли уларок, Ф.Лист, Дж.С. Уолш, Дж.С. Миллълар инсон капитали деганда инсоннинг ўзини эмас, балки унинг меҳнатга бўлган қобилияти, маълумоти, малака кўникмасини инсон капитали деб ҳисоблаганлар**[2].**

Рус иқтисодчиси Р.И. Капелюшников инсон капитали деганда, инсонда жамланган қобилият, билим, малака ва мақсадлар захираси”, деб тушунган. Инсон капиталига қўйилган инвестицияларни энг муҳим турларга: таълим, ишлаб чиқаришга тайёргарлик, миграция, ахборот излаш, ҳаттоки фарзанд кўриш ва уларни тарбиялашни ҳам киритади**[11].**

Ушбу келтирилган иқтисодчи олимларимизнинг инсон капитали тушунчасига берган таърифларига эътибор берсангиз деярли кўпчилиги инсондаги қобилият, билим, кўникмани инсондаги капитал сифатида эътироф этишмоқда.

Маҳаллий олимларимиздан А. Ўлмасов ва А. Ваҳобовлар инсон капитали– бу кишиларнинг ҳаётий неъматлар ҳисобланган товар ва хизматларни яратишга қодир бўлган ақл-идроки ва куч қувватидир, уни яратиш

харажат талаб қилгани учун у капиталга тенглаштирилади деган фикрларни билдиришган[4].

Инсон капитали тушунчаси билан юқоридаги тушунчаларни ўзаро таҳлил қиладиган бўлсак, масалан инсон капитали тушунчасининг негизини ишчи кучи, жисмоний ва ақлий қобилиятлари ташкил этади. Ишчи кучида ҳам инсон капитали мавжуд. Инсон капитали инсон ресурсларининг таркибий қисмидир. Мамлакатдаги миллий инсон капиталининг сифати шу мамлакатнинг меҳнат патенциали белгилаб беради. Инсон ўзидаги билим, тажриба, кўникмалари билан ҳар қандай ижтимоий муносабатларга кучли таъсир этар экан демак у умумий маънода энг зўр инсон омилидир десак хато бўлмайди. Иқтисодий қонунларни тушуниш учун иқтисодий категорияларни билиш зарур бўлганидек, замонавий шароитдаги янги иқтисодий муносабатларни тушунишимиз ва мослашишимиз учун у билан боғлиқ барча тушунчаларни яхши ўзлаштиришимиз лозим. Биргина инсон капитали тушунчасини яхши англашимиз учун ишчи кучи, меҳнат ресурслари, инсон ресурслари, меҳнат потенциали, инсон омили тушунчаларни назарий таҳлил қилдик. Таҳлилдан шу нарса маълум бўлдики барча келтирилган тушунчаларни негизида инсон ва унинг ақлий ва жисмоний қобилиятлари намоён бўлади. Бугунги кунда нега ишчи кучи, меҳнат ресурслари эмас балки инсон капитали тушунчасига кўпроқ урғу берилмоқда. Бунинг энг муҳим сабабларидан бири биз бораётган ҳозирги тараққиёт йўли ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ишлаб чиқаришнинг ҳам билимларга асосланиб боришини кўрсатмоқда. Демак, ишчини билими нафақат уни ўзини ёки оиласини балки мамлакат керак бўлса жаҳон иқтисодиёти учун фойда келтиради. Келинг буни оддийроқ бир амалий мисол билан тавсифлашга ҳаракат қиламиз. Дунёдаги энг машҳур компаниялардан бири “Apple” компаниясининг асосчиси Стиф Жобсни олиб қарайлик. Ундаги инсон капитали нафақат компанияни балки давлат, миллатни ҳам дунёда даврўгини танитди. Эътибор беринг биргина инсондаги билим, қобилият ундаги ноодатий фикрлаш услуби дунёдаги ахборот телекоммуникация соҳасида жуда катта ўзгаришларга олиб келган. Ундаги ташқари корхонанинг даромади бошқа саноат корхоналари билан рақобатлашадиган даражадан ҳам юқоридир.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек: “..XXI аср глобаллашув ва чегараларнинг барҳам топиш даври, ахборот-коммуникация технологиялари ва интернет асри, жаҳон майдонида ва дунё бозорида тобора кучайиб, рақобат асрига айланиб бораётган шароитда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестиция ва қўйилмаларнинг ўсишини, ҳозирги замонда демократик тараққиёт, модернизация ва янгиланиш борасида белгиланган мақсадларга эришишда энг муҳим қадрият ва ҳал қилувчи куч бўлган билимли ва интелектуал ривожланган авлодни тарбиялаш вазифасини доимо ўзининг асосий устувор йўналишлари қаторига қуядиган давлатгина ўзини намоён эта олиши мумкин[12]. Ҳақиқатдан ҳам инсон капитали мамлакат ижтимоий иқтисодий тараққиётини энг муҳим мезонига айланиб бормоқда. Демак, инсон капитали инсон даромадларининг ўлчови экан. Инсонни даромади ундаги билим, тажриба ва кўникмаларни даражасига боғлиқ. Инсондаги инсон капитали

қанчалик сифат жиҳатдан юқори бўлса унинг даромадлари ҳам шунча юқори бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, энг аввало, юқорида келтирилган тушунчаларнинг мазмуни ва уларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ айрим сабабларни англаш, уларнинг эволюцион келиб чиқишини тушуниш учун уларнинг назарий жиҳатларини бир-бири билан боғлиқ ҳолда ўрганишни тақозо қилади.

Иккинчидан, тадқиқотлар жараёнида шу аниқландики, юқорида келтирилган иқтисодий тушунчаларнинг назарий талқини, уларнинг таърифлари борасида соҳа олимларни аниқ бир тўхтамга келишмаганлигига гувоҳ бўлдик.

Учинчидан, бугунги ҳаётимиз мазкур тушунчаларнинг ҳар бирининг хусусиятини очиб беришни ҳам тақозо қилмоқда. Чунки меҳнатнинг, ундан олинадиган самарага муносабатларнинг мазмуни тубдан ўзгариб бормоқда. Ялпи меҳнат таркибида интеллектуал меҳнатнинг ҳиссаси ошиб бормоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мазкур масаланинг илмий-назарий, амалий ва ҳуқуқий жиҳатларига ойдинлик киритиш қуйидаги таклиф ва тавсияларни инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчидан, “инсон капитали” тушунчасини қонун ҳужжатларига киритиш. Бунинг учун “Инсон капитали ва ундан самарали фойдаланиш йўллари тўғриси”да қонуннинг ишлаб чиқилиш ва уни иқтисодиётнинг барча даражаларида (микро, мезо, макро) қўллаш йўлларини кўрсатиб бериш лозим.

Иккинчидан, ушбу қонунда мазкур масала билан боғлиқ турли атамаларга (ходимлар сони, ишчилар сони, ишчи кучи, инсон ресурси, инсон омили, инсон салоҳияти, меҳнат салоҳияти, меҳнат ресурси, инсон капитали каби тушунчаларга) илмий жиҳатдан асосланган таърифларни бериш.

Учинчидан, атамаларнинг таърифларида ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш лозим. Чунки ушбу тушунчалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши билан бирга ҳар бири мустақил тушунчалардир. Ушбу тушунчаларга ҳозирги айрим адабиётларда учраётганидек, синоним сифатида қараб бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, микро ва макро даражада содир бўлаётган иқтисодий жараёнларни баҳолашда қайси тушунчани қўллашни давлат, жамият, инвестор, мулкдор, инсон, корхона каби хўжалик юритувчи субъектлар нуқтаи назаридан қараб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ, чунки шундай ёндошувгина масалага анча ойдинлик киритиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Колобова А.И. Ларионцева А.М «Некоторый теорические положения трудовый ресурсов и трудового потенциала». Журнал. Вестник Алтайского государственного аграрного университета №5 (25) 2006.

2. Хайкин М.М. Управление сферой услуг в развитии человеческого капитала. – СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2010.

3. Пардаев М.Қ “Бозорли иқтисодиёт шароитида меҳнатга оид тушунчалар” номли рисола. Самарқанд. СамКИ 1997. 59 б

4. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. ТДИУ. – Т.: Иқтисод ва молия, 2014. 226 б

5. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Меҳнат нашриёти, 2004 й. 204 б

6. Савенков И.Е. Трудовые ресурсы предприятия: понятие и сущность. (мақола)

7. Нарзиқулов Н.Р., Муҳаммедова О.Ҳ., Бақоева И.А. Инсон ресурслари иқтисодиёти . – (Ўқув қулланма) - Т.:ТДИУ, 2004. 7 бет

8. Бакиева И.А. «Инсон ресурслари иқтисодиёти» фани (Ўқув қўлланма) – ТДИУ, 2011. -17 бет

9. Schultz T.P. Economic Research: Retrospect and Prospect, Volume 6, Human Resources 1972.

10. Беккер Г.С. Человеческое поведение: экономический подход. Избранные труды по экономической теории: Пер. с англ. / Сост., науч. ред., послесл. Р.И. Капелюшников; предисл. М.И. Левин. — М.: ГУ ВШЭ, 2003, —90, 96 с

11. Теория человеческогокапитала. http://ww/libertarium/10624/lib_article_t

12. Каримов И.А. 2012 йил 18 февралда “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи. // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.